



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA‘LIMI VAZIRLIGI**



**SURXONDARYO VILOYATI XALQ TA‘LIMI
XODIMLARINI QAYTA TAYYORLASH VA ULARNING
MALAKASINI OSHIRISH HUDUDIIY MARKAZI**

**ZAMONAVIIY JAMIYATDA FAN VA
TA‘LIMNING RIVOJLANISH
ISTIQBOLLARI: MUAMMO VA
YECHIMLAR**

**XALQARO ONLAYN ILMIIY-AMALIIY
KONFERENSIYA
MATERIALLARI**

TERMIZ-2021

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ХУДУДИЙ МАРКАЗИ

“ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТДА ФАН ВА ТАЪЛИМНИНГ
РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР”
МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ОНЛАЙН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ
(2021 йил 19 октябрь)

MATERIALS OF THE INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL
ONLINE CONFERENCE ON TOPIC
“PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF SCIENCE AND
EDUCATION IN MODERN SOCIETY: PROBLEMS AND SOLUTIONS”
(october 19, 2021)

МАТЕРИАЛЫ МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ
«ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ В
СОВРЕМЕННОМ ОБЩЕСТВЕ: ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ РЕШЕНИЯ»
(19 октября, 2020 г.)

ТЕРМИЗ – 2021

Д.А.Собирова. Тиббиёт ходимлари коммуникатив компетентлигининг умумий ҳолати.....	1263
А.М.Назаров Особенности механизмов психологической защиты у спортсменов.....	1267
Н.Х.Вохидова. Бўлажак ўқитувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашга тайёрлашга компетент ёндашувлар.....	1273
А.Ш.Тохириён. Педагогнинг касбий компетентлигини оширишда инновацион таълим муҳитининг ўрни.....	1278
Т.Д.Маматқобилов. Таълим-тарбия жараёнида маънавий масъулият.....	1282
Ҳ.М.Бердиева. Своеобразие формирования у старших школьников готовности к выбору профессии.....	1285
Ҳ.М.Бердиева. Ўқувчиларда ўқув мотивациясини шакллантиришнинг назарий асослари.....	1288
А.Кучкинов. Узлуксиз таълимда экопедагогик таянч компетенцияларини Autoplay Media Studio, iSpring QuizMaker дастурида ривожлантиришга инновацион ёндашув.....	1292
Джурраев Х. Х. Масофавий ўқитишда дидактик тизим.....	1296
З.С.Элов. Замонавий жамиятда суицид (ўз жонига қасд қилиш) муаммолари.....	1301
Ж.Р.Ахмедов. Муҳандис-педагогларни инновацион фаолиятга тайёрлаш тизими.....	1303
С.А.Акбарова. Ҳозирги тадқиқотларда экологик компетенция: моҳияти, мазмуни ва тузилиши.....	1308
Б.С.Хуррамов. Масофавий ўқитишга асосланган таълим ва ҳаёт давомида ўқиш тизимини жорий этилишининг таҳлилий мулоҳазалари.....	1311
Н.Н.Таштемирова. Малака ошириш курсларида эҳтиёжга асосланган танлов модулининг ўрни.....	1317
А.Э.Турахонов. Педагог масъулияти шаклланишининг психологик хусусиятлари.....	1320
Х.Т.Хамракулов. Педагоглар касбий компетентлигини ривожлантиришда маҳорат дарсларининг ўрни.....	1325
А.Ш.Нурмаматов. Оилавий муносабатларда соғлом турмуш тарзи ва уни шакллантириш масалалари.....	1328
А.Ш.Нурмаматов. Бола тарбиясида ёш даврларга хос айрим психологик ёндашув масалалар.....	1331
Л.Р.Аннаева. Планирование и организация интегрированных уроков.....	1335
Жўраев Н.Н. Ўқитувчилар узлуксиз касбий компетенцияларини ривожлантириш – давр талаби.....	1339
М.Х.Мамадалиева. Шахсга йўналтирилган ёндашув асосида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларида касбий компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш механизмлари.....	1342

ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТДА СУИЦИД (ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛИШ) МУАММОЛАРИ

Элов Зиёдулло Сатторович,

Бухоро давлат университети “Психология” кафедраси ўқитувчиси,
психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: Мақолада шахсда кечадиган руҳий бузилишлар натижасида содир бўлиши мумкин бўлган суицид ҳолати ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, суицид ҳолатларининг таҳлиллари кўрсатилган.

Калим сўзлар: суицид, ҳақиқий суицид, сохта суицид, депрессия, глобал муаммо.

Аннотация: В статье рассматривается состояние суицида, которое может возникнуть у человека в результате психических расстройств. Также представлен анализ случаев суицида.

Ключевые слова: суицид, реальное самоубийство, мнимый суицид, депрессия, глобальная проблема.

Annotation: The article examines the state of suicide that can occur in a person as a result of mental disorders. An analysis of suicide cases is also presented.

Key words: suicide, real suicide, imaginary suicide, depression, global problem.

Ҳаёт инсонга бериладиган неъматлар ичида энг қадрлиси ҳисобланади. Шунингдек у яратганинг бизга берган илоҳий мўъжизасидир. Умрнинг ҳар лаҳзасини қадрлаш, уни гўзал ўтказиш, узоқ умур кўришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Бироқ, орамизда ушбу илоҳий неъматни қадрига етмайдиган айрим ношукур кимсалар ҳам борки улар, бутун уни унутиб кўйишмоқда. Натижада кишилар томонидан ўз ҳаётига ўз чек кўйишгача бориб етмоқда.

Биз ривожланган асрда яшасакда, айрим шахслар бутун ушбу ҳолат энг муаммо эканлиги ва ва чиқарилган бу қарор энг катта гуноҳ эканлигини, англашмайди.

Ривожланган тиббиёт бутун жонига қасд қилган шахсни соғлом шахс эмас – деб ҳисоблайди. Негаки, тиббий нуқтан назардан руҳиятида ўзгариш бўлган ва ўзида соматик белгилар намоён этган ҳолатдаги шахслар албатта, шифокорга учрашиш лозимлиги таъкидлаб келинади.

Психологияда бутун олимлар томонидан, шахс томонидан билиб туриб ўз жонига қасд қилиш ҳолатини суицид – деб таърифлашади.¹³⁴ Энди масаланинг энг асосий моҳиятига тўхталсак. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, вафот этаётган ҳар 100.000 минг одамдан 10 та суицид қурбонига айланиб бормоқда. Статистик маълумотга тўхталадиган бўлсак, Англия, АҚШ, Италия, Австрия, Исроил, Литва,

¹³⁴ Асаб ва руҳият. Илмий-оммабоп рисола. 4-нашр. Тошкент 2019 й.

Латвия, Россия, Беларус, Қозоғистон ва Украина каби давлатларда ушбу жараён ўртача кўрсаткичлардан анча кўплиги қайд қилинган.¹³⁵ Натижада, суицид бутун дунёдаги глобал муаммолардан бирига айланиб қолганлигини кўришимиз мумкин.

Олимлар томонидан суицид муаммоси қатор йиллар давомида ўрналигиб келинмоқда. Ушбу ҳолатнинг қандай намоён бўлиши ва асл сабаблари устида бир нечта мутахассислар турли тадқиқотлар олиб боришди. Умуман олганда олимларнинг тадқиқотларига кўра, суицид ҳолатини содир этиш асосан икки хил кўринишда кечиши қайд этилган. Улар ҳақиқий ва сохта суицид. Биринчисида, ўз жонига қасд қилиш ҳолати ойлаб, ҳаттоки йиллаб режалаштирилади. Шундай бажариладики, у аянчли кўринишда ниятига этади. Бирок, шунга қадар камда ўндан ортиқ кишига бу ҳақда айтган бўлсада, эътиборсизлик оқибатида бир шахс ҳаётдан кўз юмади. Иккинчисида, ўз жонига қасд қилиш, атрофдагиларнинг айниқса яқинларининг эътиборини тортиш мақсадида амалга оширилади. Ушбу жараён кўп ҳолларда намоёншкорона амалга оширилиб, унда турли таблетка воситаларини кўп миқдорда қабул қилиш, қон томирларини кесиш (чуқур эмас) ва бошқа усуллардан фойдаланилади. Ушбу ҳолатда шахс қутқариб қолинишини жуда яхши билади ва бу ҳолат кўпроқ аёллар томонидан содир этилади.

Суицид ҳолатининг ушбу икки ҳолати ўрганилганида, ҳар иккисиди ҳам сабаблар оз эмаслиги, шахсий ва турмушдаги муаммолар, оилавий жанжаллар, ажралиш ва тан олинмаган севги, яқинларининг унга нисбатан бепарволиги, сурункали оғир касалликлар, ишдаги ва ўқишдаги омадсизлик, пул муаммоси ва кўп миқдорда қарздор бўлиб қолиш, узоқ давом этадиган оғир депрессия, тушқунликка тушиш ва мажбурий босим, мунтазам камситилиш, номусга тегиш, жисмоний ҳўрлаш каби қатор ҳолатларни санаб ўтиш мумкин.

Бугун тадқиқотлар жараёнида суицид курали ўрганилганида, асосан ривожланган давлатларда (АҚШ, Англия ва Франция) ўқ отар кураоллардан, иқтисодиёти энди ривожланаётган давлатларда турли дори воситалари ва бошқа усуллардан фойдаланилаётганлигини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга статистик маълумотларга кўра бугун Хитойда яшаётган кишилар томонидан суицид ҳолатини содир этишда зарарли химикат воситалардан фойдаланиш энг кўп қайд этилганлиги кўрсатилган. Бугун юртимизда ҳам бу каби ҳолатлар ҳар куни учраб турганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Дунё ҳамжамиятида суицидга йўл қўйиб, тирик қолган шахсларга нисбатан турли жазо чоралари белгиланган. Мисол учун Ҳиндистонда агар шахс суициддан сўнг тирик қолса, бир йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, Сингапурда эса жарима жазоси қўлланилиши мумкин.¹³⁶ Юртимизда эса бундай хатти-ҳаракат руҳий-асаб касалликлар касалхонасига

¹³⁵ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2020 йил маълумотлари. "Саломатлик калити журнали" Тошкент 2020 йил 4-сон

¹³⁶ Постада газетаси. ИИБ расмий газетаси. Тошкент. 2021 й 4-сон.

ётқизишга асос бўлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июль кундаги 207-сонли қарорида, жамиятда суицид ҳолатини олдини олишда, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ўрта ва олий таълим, ички ишлар вазирлиги ва прокуратура органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари зиммасига қатор вазифалар юкланган.¹³⁷ Бундай кўнгилсиз ҳолатни олдини олиш ва бартараф этишда, идоралараро комплекс чоратадбирлар режаси тузилиб, шу асосда бутун фаол ишлар олиб борилмоқда. Мақсад суицид ҳақида кўп гапирмасдан, депрессияга тушганлар билан манзилли ишларни амалга ошириш, лоқайдликка йўл қўймаслик, малакали мутахассислар ёрдамини уюштириш, асл сабабларни аниқлан ва уни йўқотиш, зарур бўлган ҳолатларда дори-дармонлар билан даволашдир.

Ҳар бир инсоннинг ҳаёти бебаҳо ва бетақрордир. Зеро, XX асрнинг бошида буюк психоаналитик Зигмунд Фрейд «Ҳаёт қониқидан иборат» деган эди. Ҳаётни асраш, уни чиройли ва мазмунли ўтказиш шарт ва зарур. Негаки, жамиятнинг куч-қудрати, соғлом одамларнинг соғлом турмаш тарзи билан барқарордир. Буни ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги лозим.

Адабиётлар:

1. Амбрумова А.Г. индивидуально-психологические аспекты суицидального поведения.
2. Фрейд З. Мы и смерть // Рязанцев С. Танатология (учение о смерти). СПб.: Восточно-Европейский институт психоанализа, 1994. С. 5-42.; *Freud S. Mourning and melancholia* // Hogarth Press, London – 1957].
3. Ибодуллаев З. Асаб ва руҳият. 4-нашр. Тошкент 2019 й.
4. Эргашев И.Р. Психология профессионального общения с участниками предварительного следствия: Автореф. дис. канд. псих. наук. – Т, 2001.